

**МЕХАНИКА ВА ИНШОТЛАР СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.T/FM.61.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

АХМАДЖОНОВ САРВАРБЕК СОДИКОВИЧ

**ҚУВУРЛАРДА ГАЗ ҲАРАКАТИ ВА ИМПУЛЬС ТАРҚАЛИШИНИНГ
ЧИЗИҚЛИ ВА ЧИЗИҚСИЗ МОДЕЛЛАРИ**

01.02.05 – Суюқлик ва газ механикаси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА
ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Андижон – 2022

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)
on technical Sciences**

Ахмаджонов Сарварбек Содикович

Қувурларда газ ҳаракати ва импульс тарқалишининг чизикли ва чизиксиз моделлари.....3

Ахмаджонов Сарварбек Содикович

Линейные и нелинейные модели движения газов и распространения импульсов в газопроводах.....21

Akhmadjonov Sarvarbek Sodikovich

Linear and nonlinear models of gas movement and pulse propagation in gas pipelines.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works42

**МЕХАНИКА ВА ИНШОТЛАР СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.T/FM.61.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

АХМАДЖОНОВ САРВАРБЕК СОДИКОВИЧ

**ҚУВУРЛАРДА ГАЗ ҲАРАКАТИ ВА ИМПУЛЬС ТАРҚАЛИШИНING
ЧИЗИҚЛИ ВА ЧИЗИҚСИЗ МОДЕЛЛАРИ**

01.02.05 – Суюқлик ва газ механикаси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА
ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Андижон – 2022

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/T1047 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон машинасозлик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.instmech.uz) ва "Ziyonet" ахборот таълим порталида (www.zivonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хужаев Исматулла Кушаевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Наврузов Куралбай
физика-математика фанлари доктори, профессор

Жумаев Жўрабек
физика-математика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи DSc.02/30.12.2019.T/FM.61.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил "16" "март" соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100125, Тошкент, Дўрмон йўли кўчаси, 33, 1-мажлислар зали. Тел: (99871) 262-71-52; Факс: (99871) 262-71-32, e-mail: instmech@academy.uz).

Диссертация билан Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (10 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100125, Тошкент ш., Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй. Тел.: (99871) 262-71-52).

Диссертация автореферати 2022 йил «25» февраль куни тарқатилди.
(2022 йил «25» февралдаги 1 рақамли реестр баённомаси).



М.М.Мирсаидов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
т.ф.д., профессор, ЎзР ФА академиги

М.К.Усаров
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий
котиби, ф.-м.ф.д., к.и.х.

З.М.Маликов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда нефть ва газ саноатининг, техника ва технологияларнинг изчил ривожланиши турли моддаларни, иссиқлик ва механик энергияларни узоқ ва қисқа масофаларга узатиш жараёнлари билан узвий боғлиқ. Жумладан, British Petroleum компаниясининг 2020 йил дунё энергетикаси статистикасига доир маълумотларига кўра, «сўнгги йилда дунёда газ истеъмоли ўртача 78 млрд куб метрга ёки 2,5% га ортган. Хусусан, АҚШ (27 млрд куб м га) ва Хитойда (24 млрд куб м га) газ истеъмоли ўсган»¹. Бундай ҳажмдаги газни ишлаб чиқиш ва истеъмолчига етказиб бериш қувурлар тизимининг инновацион гоялар асосида ривожланишини тақозо этмоқда. Худди шундай фикрни нефть ва нефть маҳсулотларини, иссиқлик ва механик энергияларни қувур орқали узатувчи қурилмаларга нисбатан ҳам билдириш мумкин. Шу жиҳатдан газ ташиш жараёнлари учун янги математик моделлар ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш, уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда охириги йилларда узун ва қисқа қувурлар орқали турли моддаларни ташиш жараёнини математик моделлаштиришга катта эътибор берилмоқда ва бу соҳа куч ва энергиянинг қўшимча омилларини ҳисобга олиш шароитларида ривожланиб бормоқда. Жумладан, куч қурилмалари (компрессорлар ва насослар) фаолиятидаги истеъмолчилар қўшилиши ва узилиши, мақсадли маҳсулотнинг оқиб чиқиб йўқотилиши, олиш ва қўшиш ҳажмининг кескин ўзгаришлари ва юзага келадиган ностационар жараёнлар туфайли магистрал қувурлар тизимининг айрим ташкил этувчиларида босимнинг сакраб ўзгаришларини ўрганишга катта эътибор берилмоқда. Бундай ўзгаришлар қувурлар тизимида ностационар қўзғалишларни, ошқоча юкланишларни келтириб чиқаради ва натижада куч қурилмалари ишдан чиқиб, тизимнинг яхлитлиги бузилади, ишончлилиги камайди. Бу соҳада яратилаётган математик ва сонли моделлар бундай ўтиш жараёнларининг тизим ички ва ташқи омилларини тўлиқ ҳисобга олиш лозимлиги бугунги куннинг асосий талабларидан бўлиб қолмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда табиий газ, нефть ва бошқа мақсадли маҳсулотларни истеъмолчиларга керакли микдорда узлуксиз етказиб беришни таъминлаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш; ... иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган

¹<https://www.bp.com/en/global/corporate/energy-economics/statistical-review-of-world-energy/natural-gas.html>

технологияларни кенг жорий этиш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Бу йўналишда иқтисодиётнинг турли соҳалари учун катта аҳамиятга эга бўлган мураккаб гидравлик объектларни лойиҳалаш ва фаолиятининг мониторинги билан боғлиқ математик моделларни такомиллаштириш ва амалиётга жорий этишга катта эътибор бериш талаб этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 30 июнда ПҚ-3107-сон «Нефть-газ соҳасининг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сон «Инновацион гоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қувурлар ёрдамида турли суюқлик ва газларни, механик ва иссиқлик энергиясини узатиш ўз моҳияти билан гидромеханиканинг ички масалалари сирасига киради. Унинг шаклланиши ва ривожланишида И.Никурадзенинг доиравий кесимга эга қувурларда қаршилик қонуниятларини ва Н.Е.Жуковскийнинг водопровод қувурларида зарба тўлқинлари тарқалишини ўрганишга бағишланган ишлари алоҳида ўрин тутди. Хусусан, Н.Е.Жуковский томонида таклиф этилган квази бир ўлчовли математик модель бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган ва муайян ўзгаришлар киритиш орқали ўз даврининг масалаларига мослаштириб келинмоқда. Газ қувурлари тизими фаолияти ва уларда зарба тўлқинларининг тарқалиши масалалари Л.С.Лейбензон, И.А.Чарний, В.П.Юфин, А.А.Ионин, Л.В.Шухов, Э.А.Бондарев, Э.В.Галиакбаров, Е.В.Груничев, Н.Н.Ермолаева, В.С.Кулик, Г.И.Курбатова, К.Ф.Синьков, Hang Zhang, J.Szoplik, Maciej Chaczykowski, M.Guillyn, M.Carlos, Atlas V. Akhmetzyanov ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Республикамизда қувурлар орқали турли муҳитларни узатиш йўналишида Ж.Ф.Файзуллаев, Қ.Ш.Латипов, В.К.Мукук, А.А.Ҳамидов, Ж.Акилов, Ф.Б.Абуталиев, Э.Б.Абуталиев, Р.Садуллаев, И.Қ.Хўжаев, О.Ш.Бозоров, М.Маматкулов, О.М.Арифжанов, С.И.Худайкулов, А.М.Фатхуллаев, У.У.Жонқобилов, М.К.Маҳкамов, М.Х.Мамадалиев,

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Ш.К.Болтибаев каби тадқиқотчилар иш олиб боришган ва қувурлар тармоғи ҳамда қисмларига тегишли аҳамиятли натижаларга эришишган.

Стационар ва мобиль объектларда қўлланиладиган қувурлар тизимлари замон талабига мос ривожланиб, такомиллашиб бормоқда. Уларда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, фаолиятининг ишончилигини ошириш борасида кенг камровли ишлар олиб борилмоқда. Мазкур диссертация иши ҳам шу йўналишда бажарилган ишлар сирасига киради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган муассасанинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши ЎзР ФА Механика ва иншоотлар сейсмик мустақамлиги институти “Суюқлик, газ ва гидроуритмалар тизимлари механикаси” лабораториясининг 2019-2021 йил илмий тадқиқот режалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади киска ва узун қувурлар яқинлашувида газ қузури элементар қисми фаолияти ва унда тўлқинлар тарқалишига доир чизиқли ва чизиқли бўлмаган масалаларни ечиш усулларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қувурлар элементар қисмлари ва тармоқларини ҳисоблашнинг назарий асослари ва усулларини таҳлил этиш;

киска ва узун қувур яқинлашувларида элементар қисм чегараларида масса сарфи ўзгариши масалаларининг ечимларини қуриш ва улар асосида сонли тажриба ўтказиш;

Н.Е.Жуковскийнинг газ оқиб чиқиши тезлигининг чекли эканлигига доир гипотезаси асосида опрессовка (қувурнинг ишлашга тайёрлигини текшириш) масалаларини шакллантириш ва уларни ечиш;

газ инерцияси локал ташкил этувчиси ва каршилиқнинг квадратик конунини ҳисобга олувчи масалаларни ечиш усулини ишлаб чиқиш;

бир томондан чегараланган газ қувурларида ўтиш жараёнига доир масалаларни шакллантириш ва уларни ечиш усулларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида магистрал газ қувурлари фаолияти ва уларда тўлқин тарқалиши жараёнларининг математик моделлари олинган.

Тадқиқот предметини турли жараёнларда газ қузури элементар қисмида кечадиган газодинамик ўзгаришлар ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотни олиб бориш жараёнида математик моделлаштириш, оддий ва хусусий ҳосилали тенгламалар системаларини аналитик ва сонли ечиш усулларида, сонли натижаларни визуаллаштириш технологияси усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

киска ва узун газ қувурлари яқинлашувларида масса сарфи ўзгариши билан кечадиган ўтиш жараёнларига доир газодинамика масалалари шакллантирилган ва улар учун Фурье усулига асосланган аналитик ечиш усули ишлаб чиқилган;

киска қувур охирларида масса сарфи ўзгариши ва Н.Е.Жуковскийнинг газ оқиб чиқиши тезлигига доир формуласига асосланган чегаравий шартлар берилганда қувур газодинамик ҳолати чизиксиз масаласини характеристикалар усули асосида ечиш усули ишлаб чиқилган;

югурувчи тўлқинлар ёрдамида олинган таянч ечим ва Даламбер ечими асосида қувурда тўлқин тарқалиши масаласининг квадратик қаршилиқ конуни учун тезликка нисбатан аналитик ечими қурилган;

бир томондан чекланмаган газ қувурлари учун бошқа масса сарфига ўтиш масаласининг бошланғич шартларнинг турли берилишларида, жумладан Хэвисайд ва Диракнинг дельта функциялари, чизикли функция ҳоллари учун масса сарфига нисбатан аналитик ечимлари қурилган;

муайян кўрсаткич учун аналитик ечимлар асосида қолган кўрсаткичлар майдонини сонли аниқлаш учун алгоритмлар ишлаб чиқилган ҳамда зичланиш ва сийракланиш тўлқинлари тарқалиши хусусиятлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўтиш жараёнларида босим сакрашини аниқлаш усуллари яратилган;

киришда берилган босим ёрдамида газни қандай масофагача узатиш мумкинлигини аниқловчи усул таклиф этилган ва қувур диаметри ҳамда калинликларини аниқлашда қўлланилган;

газ қувури элементар қисмига газ қамаш ва уни чиқариб юборишга кетадиган вақтни талаб этиладиган даражадаги босим доирасида аниқлаш учун формулалар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги фойдаланилган тенгламалар ва шартларда импульс ва масса сақланиш қонунларига қатъий риоя қилинганлиги, сонли усуллардан фойдаланилганда зарурий аниқлик таъминланганлиги, ҳисоб натижаларининг ўрганилаётган жараёнларнинг табиатига мослиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қатор масалаларни ечиш учун аналитик ва сонли усулларни биргаликда қўллаш услубияти ишлаб чиқилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти улардан газ қувурлари тизими фаолиятида энергия сарфини камайтириш ва тизимнинг ишончлилигини ошириш мақсадида фойдаланиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қувурларда газ ҳаракати ва импульс тарқалишининг чизикли ва чизиксиз моделларини қуриш асосида олинган натижалар:

«ФА-Атех-2018-414» амалий лойиҳани бажариш жараёнида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2021 йил 4-ноябрдаги №2/1255-3037-сонли маълумотномаси). Натижада кон-металлургия комбинатларида қаттиқ заррачаларнинг турли концентрацияли кўп фаза

мухитларни ламинар ва турбулент оқимларининг моделлари шакллантирилган ва энергия сарфини 6% га камайтиришга эришилган;

«Universal elegant lyuks» МЧЖ да газни қувур орқали узатишда ҳосил бўладиган зарба тўлқинлари тарқалиши ҳолида босимнинг максимал ва минимал кийматларини топиш ва улар асосида қувур диаметри ва калинлигини аниқлаш жараёнида фойдаланилган ("Ўзбекистон Миллий Электр тармоқлари" АЖнинг 2021-йил 20-декабрдаги 01-04-08/4594-сон маълумотномаси). Натижада қўлланилаётган қурилманинг ишончлилиги 20 %га ошган, энергия сарфи 6 %га камайтирилган;

«Худудгаз Андижон» газ таъминот филиалининг Андижон шахрига тегишли қувурлар тизимида босим сакрашларини аниқ ҳисоблаш мақсадида фойдаланилган ("Ўзбекистон Миллий Электр тармоқлари" АЖнинг 2021-йил 20-декабрдаги 01-04-08/4594-сон маълумотномаси). Натижада ҳисоблаш жараёнига кетадиган вақт 15-20 %га қисқарган, аниқлик 12 %га ошган ва қурилманинг ишончлилиги ортган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, 3 таси (2 та Scopus базасига кирувчи) хорижий ва 6 таси республика нашрларида чоп этилган. ЭҲМ учун дастурий маҳсулот қайд этилганлиги ҳақида 3 гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг **Кириш** қисмида Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мос равишда диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсад ва вазифалар шакллантирилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ва назарий ҳамда амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижалари амалиётга жорий этилганлиги, чоп этилган ишлар ҳақида маълумотлар ва диссертация ишининг тузилиши келтириб ўтилган.

Диссертациянинг «**Қувурларда мухитни ташиш ва кўзғалиш тўлқинлари тарқалиши муаммоларининг ўрганилганлик даражаси**» деб номланган биринчи боби уч параграфдан иборат.

1.1-параграфда қувурлардан фойдаланишнинг назарий асосларига бағишланган илмий манбалар таҳлил қилинган.

Қаттиқ жисм ва суюқлик ҳаракати хусусиятлари, Ньютон суюқликлари учун Навье-Стокс тенгламасини асослашда масса ва импульс сақланиш ҳамда кучланиш тензори тенгламалари муҳокама қилинган. Ортогонал координаталарда ва соддалаштирилган вариантларда Навье-Стокс тенгламасидан фойдаланиш вариантлари келтирилган. Д.Андерсон, Ю.П.Коротаев, В.Е.Селезнев, А.З.Миркин, И.О.Протодьяконов, В.Ф.Новоселов, Giulio Guandalini, Aline Barbosa Figueiredo, Yu.D.Zemenkov, Д.Ф.Файзуллаев, З.М.Маликов сингари олимларнинг ишлари, Web of Science платформасидаги илмий журналлар мақолалари ва ватанимиз олимларининг бир қатор ишлари таҳлил қилинган.

1.2-параграфда қувурлар тармогининг тузилиши, вазифалари, гидродинамик ва энергетик режимлари ва бошқа кўрсаткичлари бўйича хусусиятлари муҳокама этилган. Бу ерда қувурдаги оқимнинг бешта гидродинамик режими ҳолати, магистрал газ қувурлари ва тақсимлаш тармоқларининг ривожланиш масалаларини ва уларни ечиш усулларини ишлаб чиқишга бағишланган Д.Н.Попов, Е.В.Сеннова, А.Р.Акбасов, А.К.Николаев, Г.П.Комина, Г.И.Курбатова, П.С.Кунина, Shailesh Chandraa, Peng Shanbi, И.К.Хужаев ва бошқаларнинг ишлари таҳлил қилинган.

1.3-параграфда газ узатиш ва импульс ҳамда босим сакрашлари тарқалишларига доир масалаларни ечиш усулларига бағишланган адабиётлар таҳлил қилинган. Газ ва суюқликларни қувурлар орқали узатишда муҳит ва оқим бирор кўрсаткичининг ихтиёрий ўзгариши қувур тармоғи барча чизикли қисмлари бўйлаб бу ўзгаришларнинг тарқалишига олиб келади. Н.Е.Жуковский, И.А.Чарний, В.В.Грачев, В.С.Кулик, С.А.Бобровский, А.В.Адоевский, Э.А.Бондарев, А.Д.Тевяшев, Р.Садуллаев ва уларнинг ўқувчиларининг бир қатор ишлари қувурда босим кўзгалишлари тарқалишини ўрганишга бағишланган.

Ушбу параграфнинг охирида қисқа ва узун қувур ёндашуви хусусиятлари изоҳлаб ўтилган. Газ қувури элементар қисқа ва узун чизикли қисмида газодинамик кўрсаткичларнинг сакрашлари ҳосил бўлиши ва тарқалиши масалалари муҳокама қилинган.

Муаммонинг ўрганилганлик ҳолати таҳлили ва газларни қувур орқали узатишдаги долзарб муаммолардан келиб чиққан ҳолда тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилди.

Диссертациянинг «**Фурье ва характеристикалар усуллари билан қисқа қувурда идеал газ масса сарфи сакрашлари тарқалишининг тадқиқи**» деб номланган иккинчи боби икки параграфдан иборат.

2.1-параграфда “қисқа” қувур яқинлашувида, яъни босим градиенти фақат инерция кучининг локал ташкил этувчиси билан ифодаланганда қувур чизикли қисми боши ва охирида масса сарфи сакраб ўзгаришларининг математик модели шакллантирилган ва мос масала аналитик ечилган.

Изотермик режимда идеал газ ва суюқликнинг қисқартирилган тенгламалари билан ифодаланган:

$$-\frac{\partial p}{\partial x} = \frac{\partial(\rho w)}{\partial t}, \quad -\frac{1}{c^2} \frac{\partial p}{\partial t} = \frac{\partial(\rho w)}{\partial x}. \quad (1)$$

Бу ерда ва кейинги ҳолларда p , ρ , w – ташилаётган муҳитнинг вақтнинг t momentiда x кесимда ўртача босими, зичлиги ва тезлиги; D , $f = \pi D^2 / 4$ – қувурнинг диаметри ва қўндаланг кесими юзаси; $c = \left(\frac{\rho_0}{k_{жс}} + \frac{2R_0 \rho_0}{E\delta} \right)^{-1/2}$ – муҳит-қувур тизимида босим кичик қўзғалишларининг тарқалиши тезлиги; ρ_0 – қўзғалмаган суюқлик зичлиги; E , $k_{жс}$ – қувур материали ва узатилаётган муҳитнинг эластиклик модуллари; R_0 – қўзғалишлар бўлмаган ҳолда қувурнинг ички радиуси; δ – доиравий қувур деворининг қалинлиги.

Ушбу тенгламалар системаси масса $M = \rho w f$ сарфини киритиш билан чиқиқлилаштирилган ва масса сарфига нисбатан гиперболик тенглама қўринишида ифодаланган:

$$\frac{\partial^2 M}{\partial t^2} = c^2 \frac{\partial^2 M}{\partial x^2}. \quad (2)$$

Бошлангич ва чегаравий шартлар сифатида $0 \leq x \leq l$, $t < 0$ бўлганда $M(x, 0) = M_0 = const$, $\frac{\partial M(x, 0)}{\partial t} = 0$, $t \geq 0$ бўлганда $M(0, t) = M_K = const$, $M(l, t) = M_{\text{ч}} = const$ олинди, бу ерда M_K ва $M_{\text{ч}}$ – $t \geq 0$ вақтда қисм боши ва охиридаги масса сарфи қийматлари. Масса сарфи учун Дирихле масаласига, босим учун эса Нейман масаласига келинган.

Масса сарфига нисбатан масаланинг ечимини стационар ва ностационар қисмлар йигиндиси шаклида қидирилди ва тенглама ўзгарувчиларни ажратиш усулида ечилди.

Масаланинг масса сарфи учун даврий ечими топилди:

$$M(x, t) = M_K + \frac{x}{l} (M_{\text{ч}} - M_K) + \sum_{n=1}^{\infty} b_n \cos \frac{\pi n c t}{l} \sin \frac{\pi n x}{l}. \quad (3)$$

Босим учун қуйидагича ечим олинди:


$$p(x, t) = p_0 + \frac{M_K - M_{\text{ч}}}{l f} c^2 t - \frac{c}{f} \sum_{n=1}^{\infty} b_n \sin \frac{\pi n c t}{l} \cos \frac{\pi n x}{l}, \quad (4)$$

бу ерда $b_n = \frac{2}{\pi n} \left\{ [(-1)^n - 1] (M_K - M_0) + (-1)^n (M_{\text{ч}} - M_K) \right\}$.

Кам сиқилувчан муҳит учун тезлик $w(x, t) = \frac{c^2 M(x, t)}{f p(x, t)}$, ўта сиқилувчан

муҳит учун $w(x, t) = \frac{ZRT}{f} \frac{M(x, t)}{p(x, t)}$ формула билан топилди. Бу ерда Z , R , T – газнинг ўта сиқилувчанлик коэффициенти, газ доимийси ва ўртача ҳарорати.

Ўта сиқилувчан газ учун ҳисоблашлар қисмда масса сарфи ва бошлангич босимнинг турли қийматларида куйидаги ўзгармаслар учун олиб борилди: $R = 528 \text{ Ж} / (\text{К} \cdot \text{кг})$, $c = 400 \text{ м} / \text{с}$, $D = 0.992 \text{ м}$, $T = 297.15 \text{ К}$, $z = 0.920$, $l = 0.5, 1, 2, 5, 10 \text{ км}$. $p_0 = 0.1 \text{ МПа}$, $M_0 = M_q = 0 \text{ кг} / \text{с}$ холида киришда масса сарфи $M_K = 250 \text{ кг} / \text{с}$ ни ташкил этганида олинган натижалар 1-расмда келтирилди.



1-расм. Қувур элементар қисмига газ камашда вақт бўйича газ тезлиги ва босимнинг кириш кесимида ўзгариши.

$$l = 10,0 \text{ км}, p_0 = 0,1 \text{ МПа}, M_0 = M_q = 0 \text{ кг} / \text{с}, M_K = 250 \text{ кг} / \text{с}$$

2.2-параграфда қувурнинг чизикли қисми киришида Н.Е.Жуковскийнинг газ оқиб чиқишининг тезлиги чекланганлиги ҳақидаги формуласидан фойдаланиб, қисмдан газ оқиб чиқиши ва қисмга штуцер орқали газ камаш масалалари қисқа қувур ёндашувида шакллантирилди ва характеристикалар усулида ечилди.

$D = \{(x, t) : 0 < x < l, 0 < t < T\}$ соҳада жараёни моделлаштириш учун куйидаги тенгламалардан фойдаланилди:

$$\frac{\partial p}{\partial t} + \frac{c^2}{f} \frac{\partial M}{\partial x} = 0, \quad \frac{\partial p}{\partial x} + \frac{1}{f} \frac{\partial M}{\partial t} = 0. \quad (5)$$

Бошлангич ва чегаравий шартлар сифатида $p(x, 0) = p_0(x)$, $M(x, 0) = M_0(x)$, $0 \leq x \leq l$, $p_H(t) - p(0, t) = \alpha M(0, t)$, $0 \leq t \leq T$, $\partial p(l, t) / \partial x = \varphi(t)$, $0 \leq t \leq T$ олинди, бу ерда $\alpha = c/s$ (s – штуцер кесими юзаси). (5)


тенгламаларга югурувчи тўлқин аналогларини $u(x, t) = p(x, t) + \frac{c}{f} M(x, t)$ ва

$v(x, t) = p(x, t) - \frac{c}{f} M(x, t)$ киритилди ва янги номаълумларга нисбатан тенгламалар системаси ҳосил қилинди:

$$\frac{\partial u}{\partial t} + c \frac{\partial u}{\partial x} = 0, \quad \frac{\partial v}{\partial t} - c \frac{\partial v}{\partial x} = 0.$$

Бошлангич ва чегаравий шартлар $u(x, 0) = \varphi_1(x)$, $v(x, 0) = \varphi_2(x)$, $0 \leq x \leq l$, $K_1 u(0, t) = K_2 v(0, t) + p_H(t)$, $\frac{\partial u(l, t)}{\partial x} + \frac{\partial v(l, t)}{\partial x} = 2\varphi(t)$, $0 \leq t \leq T$ кўринишни олади,

бу ерда $\varphi_1(x) = p_0(x) + \frac{c}{f}M_0(x)$, $\varphi_2(x) = p_0(x) - \frac{c}{f}M_0(x)$, $K_1(x) = \frac{\alpha f}{2c} + \frac{1}{2}$,
 $K_2(x) = \frac{\alpha f}{2c} - \frac{1}{2}$.



$u(x,t)$ ва $v(x,t)$ ёрдамчи функцияларга нисбатан ечим $t \in (0, \tau]$ ($\tau = l/c$) вақт оралиги учун характеристикалар усулида олинди. Бу натижалардан вақтнинг кейинги оралиқлари учун фойдаланишнинг алгоритми тузилди.

2-расм. Ҳисоблаш соҳасини вақт полосалари ва D_1 , D_2 , D_3 ва D_4 соҳастиларга бўлиниши

Олинган ечимлар $p_H(t) = p_{at}$, $\alpha = c/s$, $M(l,t) = 0$


параметрларга мос масалага қўлланилди. Бу – чиқиш кесими беркитилганда s юзали штуцер орқали кириш кесимидан газ оқиб чиқиши масаласи. Бошланғич шартлар $M(x,0) = 0$, $p(x,0) = p_0 (> p_{at})$ учун $(0, \tau]$ ораликқа мос ечим олинди ва унинг асосида $n\tau$ вақт учун рекуррент боғланишлар қурилди:

$$p_n = p(x, n\tau) = \frac{p(x, (n-1)\tau) + kp_H}{1+k}, \quad M_n = M(x, n\tau) = \frac{1}{2cK_1} [p_H - p(x, (n-1)\tau)].$$

Ушбу формулалар асосида $k = s/f$ учун кўрсаткичларнинг вақт бўйича экспоненциал ўзгариши қонуниятлари топилди.


$$p_n = (p_0 - p_H) e^{-n \ln(1+k)} + p_H, \quad M_n = (p_H - p_0) e^{-n \ln(1+k)}, \quad w_n = \frac{4ck}{1 + \frac{p_H}{p_H - p_0} e^{-n \ln(1+k)}}$$

3- ва 4-расмларда ушбу формулалар асосида олинган натижалардан намуналар келтирилди.



3-расм. Ўзгармас босим остида газ қамашда вақтнинг дастлабки икки юз $\tau = l/c$ қадамида масса сарфи ва босимнинг ўзгариши.

- 1 - $p_H = 10$ МПа, $k = 0.01$; 2 - $p_H = 10$ МПа, $k = 0.04$;
 3 - $p_H = 5$ МПа, $k = 0.01$; 4 - $p_H = 5$ МПа, $k = 0.04$



4-расм. Қувур қисмидан газ оқиб чиқиши ҳолида вақтнинг дастлабки икки юз

$\tau = l/c$ кадамида масса сарфи ва босимнинг ўзгариши.

1 – $p_0 = 10$ МПа, $k = 0.01$; 2 – $p_0 = 10$ МПа, $k = 0.09$;

3 – $p_0 = 5$ МПа, $k = 0.01$; 4 – $p_0 = 5$ МПа, $k = 0.09$

Учинчи боб «Узун қувур ёндашуви доирасида газни қувур орқали узатиш масалаларининг ечимлари» икки параграфдан иборат. Бу ёндашувда босим градиенти фақат қаршилик кучи билан ифодаланadi.

Бобнинг биринчи параграфида дастлабки масса сарфи M_0 бўлганида l узунликдаги қувур қисми киришида масса сарфи M_K , чиқишида эса M_Q га ўзгариши масаласи қаралди. Чизиқлаштирилган тенгламалар куйидагича қабул қилинди:

$$\frac{\partial p}{\partial x} + \frac{2a}{f} M = 0, \quad \frac{\partial M}{\partial x} + \frac{f}{c^2} \frac{\partial p}{\partial t} = 0, \quad (6)$$

бу ерда $2a = \lambda w_* / (2D)$ – ўзгармас катталиқ.

Масса сарфига нисбатан $\frac{\partial M}{\partial t} = \frac{c^2}{2a} \frac{\partial^2 M}{\partial x^2}$ тенглама курилди ва Фурье усулида унинг ечими олинди:

$$M(x, t) = M_K + (M_Q - M_K) \frac{x}{l} + \sum_{n=1}^{\infty} a_n \exp\left(-\frac{\pi^2 n^2 c^2}{2al^2} t\right) \sin \frac{\pi n x}{l},$$

$$a_n = \frac{2}{\pi n} \left\{ [(-1)^n - 1] (M_0 - M_K) - (-1)^n (M_Q - M_K) \right\}.$$

Ушбу ифодалар асосида (6) тизимдан босим учун ечим олинди:

$$p(x, t) = p_K + \frac{x}{l} (p_Q - p_K) - \frac{c^2}{f} \frac{M_Q - M_K}{l} t -$$

$$-\frac{2a}{f} \left(M_K x + \frac{M_Q - M_K}{2l} x^2 \right) + \frac{2a}{f} \sum_{n=1}^{\infty} \frac{a_n l}{\pi n} \exp\left(-\frac{\pi^2 n^2 c^2}{2al^2} t\right) \cos \frac{\pi n x}{l}.$$

Ечимлардан кам ва ўта сиқилувчан муҳитлар учун фойдаланиш йўллари кўрсатилди. Чегаравий кесимлар беркитилишининг уч хил варианты учун графиклар берилди ва муҳокама қилинди.

3.2-параграфда қувур орқали изотермик режимда газ узатиш тенгламаларида инерция кучининг локал ташкил этувчиси ва квадратик конун билан ифодаланган қаршилик кучини биргаликда ҳисобга олган ҳолда

яримчексиз кувурда газ тезлиги ҳақидаги масаланинг аналитик ечими олинди ва босим майдонини аниқлаш учун сонли алгоритм ишлаб чиқилди.

Жараён куйидаги тенгламалар асосида моделлаштирилди:

$$-\frac{\partial p}{\partial x} = \frac{\partial \rho w}{\partial t} + \varepsilon \rho w^2, \quad -\frac{\partial p}{\partial t} = \frac{\partial \rho w}{\partial x}, \quad (7)$$

бу ерда $\varepsilon = \lambda/2D$ – Дарси-Вейсбах қонунида қаршилик кучи параметри.

Куйидаги шартлар қўйилди: $w(0,t) = \mu(t)$, $w(\infty,t) \rightarrow 0$, $w(x,0) = \phi(x)$, $\partial w(x,0)/\partial t = \psi(x)$.

Реал газ ҳолати тенгламаси $p = c^2 \rho$ ($c^2 = ZRT$) ни ҳисобга олган ҳолда янги номаълум $\varphi = \ln(\rho/\rho_*)$ функция киритиш орқали (ρ_* – газнинг характерли зичлиги) тенгламалар тизими (7)

$$\frac{\partial w}{\partial t} + c^2 \frac{\partial \varphi}{\partial x} = -\varepsilon w^2, \quad \frac{\partial \varphi}{\partial t} + \frac{\partial w}{\partial x} = 0$$

кўринишда ёзиб олинди.

Югурувчи тўлқинларга $A = w + c\varphi$, $B = w - c\varphi$ нисбатан тенгламалар тузилди. Тузилган янги тенгламаларга субстанционал ҳосила киритилди ва $w(x,t) = [A(\eta,t) + B(\xi,t)]/2$ тезликка нисбатан тенглама тузилиб,

масаланинг тезликка нисбатан таянч ечими топилди: $w = w^0 / \left(1 + \frac{\varepsilon x}{c} w^0\right)$.

w^0 қийматни аниқлаш учун Даламбернинг ечимига мурожаат қилинди:

$$w^0(x,t) = \frac{\Phi(x+ct) - \Phi(x-ct)}{2} + \frac{1}{2\pi} \int_{x-ct}^{x+ct} \Psi(\alpha) d\alpha,$$

бу ерда Φ ва Ψ – $t=0$ да қидирилаётган функция ва унинг вақт ҳосиласи қийматлари.

$x=0$ да қидирилаётган функция нолга тенг қийматга эга бўлиши учун

$$\Phi(x) = \begin{cases} \phi(x) & \text{агар } x > 0 \\ -\phi(x) & \text{агар } x < 0 \end{cases} \quad \text{ва} \quad \Psi(x) = \begin{cases} \psi(x) & \text{агар } x > 0 \\ -\psi(x) & \text{агар } x < 0 \end{cases}$$

деб қабул қилинди.

$x=0$ кесимда тезликнинг янги қиймати $\mu(t)$ ни ҳисобга олиб, $w^0(x,t)$ учун масала шакллантирилди. w^0 нинг бу қийматини таянч ечимга қўйиб тезлик учун охириги натижа олинди:

$$w(x,t) = \begin{cases} \frac{\mu\left(t-\frac{x}{c}\right) + \frac{1}{2}[\phi(x+ct) - \phi(x-ct)] + \frac{1}{2} \int_{ct-x}^{x+ct} \psi(\alpha) d\alpha}{1 + \frac{\varepsilon x}{c} \left\{ \mu\left(t-\frac{x}{c}\right) + \frac{1}{2}[\phi(x+ct) - \phi(x-ct)] + \frac{1}{2} \int_{ct-x}^{x+ct} \psi(\alpha) d\alpha \right\}} & \text{агар } x \leq tc, \\ \frac{\frac{1}{2}[\phi(x+ct) - \phi(x-ct)] + \frac{1}{2} \int_{x-ct}^{x+ct} \psi(\alpha) d\alpha}{1 + \frac{\varepsilon x}{c} \left\{ \frac{1}{2}[\phi(x+ct) - \phi(x-ct)] + \frac{1}{2} \int_{x-ct}^{x+ct} \psi(\alpha) d\alpha \right\}} & \text{агар } x > tc. \end{cases}$$

Босим ва зичлик кўзгалишлари тарқалишларини аниқлаш учун сонли усулларга мурожаат қилинди. Дискрет координаталарга ўтишда импульс сакрашлари нукталари ҳисоблаш тугунларида бўлди. Агар фазовий кадам h ни ташкил этса, вақт бўйича кадам $\tau = h/c$ ни ташкил этади.

Берилганларнинг $M(t) = 0 = const$, $\phi(x) = 0$, $\psi(x) = 0$, $\varphi(x,0) = 0$ холи учун дастур тузилди, U ε ларнинг турли қийматлари учун сонли натижалар олинди.

Импульс тўлқини $x = nh$ координатага мос тугунга етиб борганида бу нуқтада газ тезлиги $w_n^n = \frac{U}{1 + (\varepsilon nh/c)U}$ ни ташкил этади. x бўйича

кўзгалишлар фронтдан кейинги тугунларда газ тинч ҳолат сакланишини ҳисобга олиб, тўлқин фронтда ёрдамчи функциянинг қиймати топилди: $\varphi_n^n = \tau w_n^n / h$. Ушбу муносабатни потенциаллаб, n -вақт қадами учун кўзгалиш фронтда зичлик ва босимнинг қийматлари аниқланди:

$$\rho_n^n = \rho_* \exp(U/(c + \varepsilon nhU)), \quad p_n^n = P \exp(U/(c + \varepsilon nhU)).$$

Чекли-айирмалар усулидан фойдаланиб, $i = n-1..0$ тугунларда ёрдамчи функция қийматини топиш учун

$$\varphi_i^n = \varphi_{i+1}^n + \frac{h}{c^2} \left[\frac{w_{i+1}^n - w_{i+1}^{n-1}}{\tau} + \varepsilon (w_{i+1}^n)^2 \right]$$




рекуррент формула олинди. Бу ерда босимнинг ўзгаришлари импульс тўлқинлари тарқалиши йўналишига тесқари йўналишда содир бўлишини ҳисобга олдик.

Келтирилган формула асосида w_i^n нинг қиймати ва марш усулида ёрдамчи φ_i^n функциянинг қиймати ҳисобланиб, тезлик ва ёрдамчи функция майдонлари топилади. Тўр тугунларида газ зичлиги, газ босими ва газнинг масса сарфи қуйидаги формулалар орқали топилди:

$$\rho_i^n = \rho_* \exp(\varphi_i^n), \quad p_i^n = c^2 \rho_i^n, \quad M_i^n = f \rho_i^n w_i^n.$$

$\varepsilon = 0.005 \text{ м}^{-1}$, қаршилик коэффиценти 0.01 ва қувур диаметри 1 м бўлган ҳол учун ҳисоб тажрибалари ўтказилди. Бошлангич ҳолат – тинч, қисм

бошида тезлик 0 м/с дан сакраб 20 м/с га ортиши холи каралди. Товуш тезлиги $378,21 \text{ м/с}$ ни ташкил этди. Қуйида олинган натижаларнинг айримлари келтирилган.



5-расм. Масофа бўйича тезлик, босим ва масса сарфи ўзгаришлари.

$$D = 1.0 \text{ м}, \lambda = 0.01, c = 378.21 \text{ м/с},$$

$$U = 20 \text{ м/с}, p_{00} = 0.1 \text{ МПа}, \varepsilon = 0.005 \text{ м}^{-1}$$

Узунлик бўйича оқим тезлиги гиперболик қонун билан камаяди. Фронтда тезлик қиймати $ct/l = 0.1$ да 15.8177 м/с , $ct/l = 0.4$ да 9.7199 м/с , $ct/l = 1$ да 5.4884 м/с ни ташкил этди.

Қувур чизикли қисмига киришда $ct/l = 0.01$ бўлганида масса сарфи 12.190 кг/с ни ташкил этади, $x = 0.1 \text{ км}$ да 11.264 кг/с гача камаяди. Кейин сакраб 0 кг/с гача камаяди. Вақт ўтиши билан киришда масса сарфи камайиб боради: $ct/l = 0.50$ да 11.844 кг/с , $ct/l = 1.00$ да 11.746 кг/с , $ct/l = 2.00$ да 11.700 кг/с .

Диссертациянинг «Яримчексиз қувурда импульс ва босим кўзғалишларининг тарқалиши ҳақидаги масалаларни ечишнинг аналитик-сонли усули» деб номланган тўртинчи боби уч параграфдан иборат. Бу бобда киришдаги масса сарфининг янги M_1 ўзгармас қиймати ва бошлангич масса сарфининг $x \in (0, \infty)$ ораликдаги $f(x)$ таксимоти берилганда яримчексиз қувурда газнинг динамик ҳолати масаласининг умумий ва хусусий ечимлари олинган.

Масса сарфига нисбатан тенглама $\frac{\partial M}{\partial t} = a^2 \frac{\partial^2 M}{\partial x^2}$ шаклига келтирилган. Бу

ерда $a^2 = 2Dc^2/\lambda u_*$. Хатолик $\Phi(x) = \frac{2}{\sqrt{\pi}} \int_0^x e^{-\mu^2} d\mu$ интегралидан фойдаланиб,

масаланинг умумий аналитик ечими олинди:

$$M(x,t) = M_1 \left[1 - \Phi \left(\frac{x}{2a\sqrt{t}} \right) \right] + \frac{1}{2a\sqrt{\pi t}} \int_0^{+\infty} f(\xi) \left[e^{-\frac{(x-\xi)^2}{4a^2 t}} - e^{-\frac{(x+\xi)^2}{4a^2 t}} \right] d\xi.$$

Ечимни берилган тенгламалар системасининг биринчи тенгласига кўйиш ва олинган муносабатларни интеграллаш йўли билан босим динамикасини тадқиқ этиш учун сонли ечиш усулидан фойдаланилди.

4.2-параграфда масса сарфи бўйича бир режимдан бошқа режимга ўтиш ҳақидаги масала қаралган. Бу ўзгармас M_1 масса сарфидан киришда янги M_2 масса сарфи режимига оний ўтиш масаласига мос келади:


$$f_1(x) = \begin{cases} M_1 & \text{агар } x > 0, \\ M_2 & \text{агар } x < 0. \end{cases}$$

Бу масаланинг аналитик ечими қуйидагича бўлди (6-расм):

$$M(x,t) = \frac{M_2 + M_1}{2} + \frac{M_1 - M_2}{2} \Phi\left(\frac{x}{2a\sqrt{t}}\right).$$

Хатолик интегрални қийматини ҳисоблаш учун $\Phi(x) = 1 - (a_1 t + a_2 t^2 + a_3 t^3 + a_4 t^4 + a_5 t^5) e^{-x^2} + \varepsilon(x)$ аппроксимация формуласидан фойдаланилди: бу ерда $t = 1/(1 + px)$, $p = 0,3275911$, $a_1 = 0,254829592$, $a_2 = -0,284496736$, $a_3 = 1,421413741$, $a_4 = -1,453152027$, $a_5 = 1,061405429$. Бундай аппроксимация аниқлиги $|\varepsilon(x)| \leq 1,5 \cdot 10^{-7}$ ни ташкил этади.

Босим кўзгалишларини аниқлаш учун 3.2-параграфдаги сингари сонли усулдан фойдаланилди.



6-расм. Киришда масса сарфининг 100 кг/с дан 300 кг/с га ўтишида газ масса сарфининг вақт бўйича тақсимоти.

$$l = 10 \text{ км}, \quad D = 1.0 \text{ м}, \quad h = l/1000,$$

$$p(0,0) = 5.6 \text{ МПа}, \quad \lambda = 0.01,$$

$$R = 518.26 \text{ Ж/К}^{-1} \text{ кг}^{-1}, \quad T = 300.0 \text{ К},$$

$$z = 0.92, \quad u_* = 20 \text{ м/с}$$

4.3-параграфда масса сарфи бошлангич тақсимоти бўлакли-ўзгармас кўринишга эга бўлганда масалалар қаралган. Масса сарфи бошлангич тақсимоти $[0; l]$ ораликда M_1 , қувурнинг қолган қисмларида эса M_2 бўлган ҳолдаги масалани қарашдан бошладик:

$$M(x,0) = f_1(x) = \begin{cases} M_1 & \text{агар } 0 < x < l, \\ M_2 & \text{агар } x > l. \end{cases}$$


Масаланинг ечими қуйидагича бўлди:

$$M(x,t) = M_2 + \frac{M_1 - M_2}{2} \left[\Phi\left(\frac{x+l}{2a\sqrt{t}}\right) - \Phi\left(\frac{x-l}{2a\sqrt{t}}\right) \right].$$

Босим ўзгаришларини топиш учун сонли усулдан фойдаланилди:

$$p_i^n = p_i^{n-1} - \frac{c^2 \tau}{2fh} (M_{i+1}^n - M_i^n + M_{i+1}^{n-1} - M_i^{n-1}).$$

M_i^n (7-расм) ва p_i^n ларнинг маълум қийматларида газ оқими тезлиги қиймати $w_i^n = c^2 M_i^n / (fp_i^n)$ формула бўйича аниқланди.



7-расм. Бошланғич масса сарфининг $x \in (0; 2)$ км да $M_1 = 300$ кг/с ва $x > 2$ км да $M_2 = 100$ кг/с ҳолидан янги масса сарфи 125 кг/с га ўтишнинг турли вақтларида масса сарфи эгриликлари

Биринчи параграфда келтирилган умумий ечимни бошқа масалаларга ҳам татбиқ этиш мумкинлиги 4.4-параграфда келтирилган.

Бошланғич тақсимланишда масса сарфи манбасининг мавжудлиги ҳақидаги масалада манба Диракнинг дельта-функцияси орқали $M(x, 0) = \delta(x - x_0)$ ифодаланди ва ечим қуйидаги кўринишда олинди:

$$M(x, t) = \frac{1}{2a\sqrt{\pi t}} \left(e^{-\frac{(x-x_0)^2}{4a^2 t}} - e^{-\frac{(x+x_0)^2}{4a^2 t}} \right).$$

Босимнинг бошланғич тақсимланиши $p(x, 0) = p_0 - \gamma x$ чизиқли қонунга бўйсунган ҳолдаги масаланинг ечими олинди.

$$p(x, t) = p_1 - p_0 - (p_1 - \gamma x) \Phi\left(\frac{x}{2a\sqrt{t}}\right) + \frac{2a\gamma\sqrt{t}}{\sqrt{\pi}} e^{-\frac{x^2}{4a^2 t}},$$

бу ерда γ масса сарфи, қувурнинг гидравлик ва камсикилувчан муҳит зичлиги кўрсаткичлари билан аниқланади.

Газ ва суюқлик масса сарфининг бошланғич тақсимоти чизиқли қонунга бўйсунуши масаласи $\frac{\partial p}{\partial x} + 2a[M_0 - m(x - x_0)] = 0$ тенгламага келтирилди ва ечилди. Бу ерда $M_0 - x_0$ координатагача қисмдаги масса сарфи; m – қувур қисмида масса сарфининг масофа бўйича камайиш коэффиценти.

Ушбу уч масалада етишмайдиган катталиклар сонли усулда топилиши мумкин.

ХУЛОСА

Қувур чизиқли қисмининг газодинамик ҳолатининг хусусиятлари чизиқли ва чизиқли бўлмаган моделлари доирасида ўрганиш асносида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Газ ва суюқликларни қувур орқали узатиш усулининг назарий ва тажрибавий асослари таҳлил қилинди ва уларнинг асосида тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларини шакллантирилди.

2. “Қисқа” қувур яқинлашуви доирасида газ қувури чизиқли қисми охирларида масса сарфининг сакраб ўзгаришлари ҳақидаги масала Фурье

усулида ечилди. Масса сарфи ўзгаришларининг умумий ҳолда, босим ва тезликнинг хусусий ҳолларда даврий характери очиб берилди ва қисмда аниқ бир ўртача босимгача етиш учун газ қамашнинг давомийлигини топиш учун тақрибий формула ишлаб чиқилди.

3. Н.Е.Жуковскийнинг газнинг оқиб чиқиши тезлигига доир формуласи асосида қувурнинг элементар қисқа қисмга газни қамаш ва қисмдан газ оқиб чиқиши ҳақидаги масалалар характеристикалар усулида ечилди. Вақтнинг катта қийматларида газ масса сарфи ва тезлиги нолга интилиб, босим эса қисм билан контактда бўлган муҳитнинг босими қийматига экспоненциал қонун билан яқинлашиши аниқланди.

4. Узун газ қувури чегараларида масса сарфининг сакраб ўзгаришларида қувур элементар қисмининг газодинамик ҳолати масаласининг ечими Фурье усулида олинди. Олинган ечим кам сиқилувчан суюқлик ва ўта сиқилувчан газларнинг ламинар оқими режимида аниқ ечимни ва ривожланган турбулент оқим режимида тақрибий ечимини ташкил этади. Газ инерция кучларини ҳисобга олмаслик газ қувурида импульс сакрашларининг тез сўнишига олиб келиши исботланди.

5. Югурувчи тўлқинлар ҳолати ва Даламбер формуласини татбиқ этиш билан қаршилиқ кучининг квадратик қонунини ҳисобга олган ҳолда гидродинамик тезлик бўйича газ қувури чизиқли қисми ҳақидаги масаланинг аналитик ечими қурилди. Газ тезлигига доир маълумотлардан фойдаланиб босим ва зичликка нисбатан масалани сонли ечиш учун алгоритм ишлаб чиқилди. Кириш тезлиги бошқа ўзгармас ва даврий қийматга оний ўтиши ҳақидаги масалаларнинг сонли ечимлари қурилди.

6. Координата ўқининг мусбат ярми учун суюқлик ва газларни қувур орқали узатиш тенгламаларининг Даламбер формуласидан фойдаланиб, киришдаги ўзгармас чегаравий шарт учун умумий ечими қурилди. Ўтиш режими, масса сарфининг Хэвисайд ва Дирак функциялари билан ифодаланадиган бошланғич узлукли тақсимотида доир хусусий масалаларнинг ечимлари топилди.

7. Ҳисоб ишларида ечимлардаги хатолик интегралли қийматини топиш учун юқори аниқликдаги аппроксимацион формуладан, қолган кўрсаткичларни аниқлаш учун эса сонли усуллардан фойдаланилди. Сонли натижалар изолиниялар майдони, қувур узунлиги ва вақт бўйича графиклар кўринишида келтирилди.

8. Диссертациянинг натижаларидан амалий грантни бажариш жараёнида ва амалий мақсадларда фойдаланилган, натижада қурилма ва газ қувурлари ишончилиги 20% оширилган, энергия сарфи 6%га камайтирилган, ҳисоблашларнинг вақти 15-20% га қисқартирилган ва аниқлиги 12% орттирилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.T/FM.61.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ
МЕХАНИКИ И СЕЙСМОСТОЙКОСТИ СООРУЖЕНИЙ**

АНДИЖАНСКИЙ МАШИНОСТРОИТЕЛЬНЫЙ ИНСТИТУТ

АХМАДЖОНОВ САРВАРБЕК СОДИКОВИЧ

**ЛИНЕЙНЫЕ И НЕЛИНЕЙНЫЕ МОДЕЛИ ДВИЖЕНИЯ ГАЗОВ И
РАСПРОСТРАНЕНИЯ ИМПУЛЬСОВ В ГАЗОПРОВОДАХ**

01.02.05 – Механика жидкости и газа

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Андижан – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.2.PhD/T1047.

Диссертация выполнена в Андижанском машиностроительном институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.instmech.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Хужаев Исматулла Кушаевич
Доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: Наврузов Куралбай
доктор физико-математических наук, профессор
Жумаев Журабек
кандидат физико-математических наук, доцент

Ведущая организация: Самаркандский государственный университет

Защита диссертации состоится «16» март 2022 г. в 14 часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.T/FM.61.01 при Институте механики и сейсмостойкости сооружений. (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Дурмон йули, 33, зал заседаний-1. Тел.(99871) 262-71-52; факс: (99871) 262-71-32, e-mail: instmech@academy.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института механики и сейсмической стойкости сооружений (зарегистрирована за №10). (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Дурман йули, 33. Тел.(99871) 262-71-32).

Автореферат диссертации разослан «25»февраль 2022 года.
(реестр Протокола рассылки № 1 от «25»февраль 2022 года.)



М.М.Мирсаидов
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.т.н., профессор, академик АН РУз

М.К. Усаров
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.ф.-м.н., с.н.с.

З.М.Маликов
Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.т.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире непрерывное развитие нефтяной и газовой промышленности, техники и технологий тесно связано с процессами транспортировки различных сред и передачи тепловой и механической энергии в короткие и длинные расстояния. В частности, согласно сведениям компании British Petroleum по статистике мировой энергетики в 2020 году “объем потребления газа в мире возрос на 78 млрд. куб. м или на 2.5%. Заметное увеличение его отмечено в США (27 млрд. куб. м) и Китае (24 млрд. куб. м)”¹. Производство и доставка к потребителю такого объема горючего газа требуют развития сети трубопроводов на основе инновационных идей. Такое же суждение уместно для установок для транспортировки нефти и нефтепродуктов, передачи тепловой и механической энергии. С этой точки зрения становятся актуальными проблемами разработка новых и совершенствование существующих математических моделей и применение их в производство.

В мире последние годы большое внимание обращают математическому моделированию транспортировке различных веществ длинными и короткими трубопроводами, и развитие этого направления происходит за счет учета дополнительных силовых и энергетических факторов. В частности, большое внимание уделено нестационарным процессам со скачкообразным изменением давления в отдельных элементах сети трубопроводов, обусловленные режимом работы силовых устройств (компрессоров и насосов), подключения и отключения потребителей, утечкой и резким изменением объема подачи и отбора целевого продукта. Такие изменения приводят к образованию нестационарных возмущений, высоких нагрузок в сети и в результате выходят из строя силовые установки, теряется целостность и надежность трубопроводов. Одним из основных требований на сегодняшний день является полный учет внутренних и внешних факторов при разработке математических и численных моделей систем трубопроводов для таких переходных процессов.

В нашей республике проводятся широкомасштабные мероприятия по непрерывному обеспечению потребителей природным газом, нефтью и другими целевыми продуктами в необходимом количестве. В Стратегии по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 гг. определены такие задачи, как «... дальнейшая модернизация и диверсификация промышленности; ... уменьшить расход энергии и ресурсов в экономике, широко внедрять в производство энергосберегающих технологий ...»². В этом аспекте особое внимание требуется уделить усовершенствованию и внедрению в практику математических моделей объектов, связанных с

¹<https://www.bp.com/en/global/corporate/energy-economics/statistical-review-of-world-energy/natural-gas.html>.

²Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 шт 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

проектированием и мониторингом состояния сложных гидравлических сетей, которые имеют важное значение для различных отраслей экономики.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлениями Президента Республики Узбекистан № ПП-3107 от 30 июня 2017 года «О мерах усовершенствования системы управления нефтегазовой отрасли» и №ПП-3682 от 27 апреля 2018 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы практического внедрения инновационных идей, технологий и проектов» и другими нормативно-правовыми документами, принятыми в этой области деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Работа выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан IV. «Математика, механика и информатика».

Степень изученности проблемы. Транспортировка разных жидкостей и газов, передача механической и тепловой энергии с помощью трубопроводов по своей сути входят в состав внутренних задач гидродинамики. При формировании и развитии их особые места занимают работы Никурадзе и Н.Е. Жуковского, посвященные изучению закономерностей сопротивления трубопроводов круглого сечения и распространения ударных волн в водопроводах. В частности, предложенная Н.Е. Жуковским квазиодномерная модель до сегодняшнего дня не теряет свою актуальность и с введением соответствующих изменений адаптируется к современным задачам. Большая заслуга в изучении функционирования системы газопроводов и распространения в них ударных волн таких ученых, как Л.С.Лейбензон, И.А.Чарный, В.П.Юфин, А.А.Ионин, Л.В.Шухов, Э.А.Бондарев, Э.В.Галиакбарова, Е.В.Груничева, Н.Н.Ермолаева, В.С.Кулик, Г.И.Курбатова, К.Ф.Синьков, Hang Zhang, J.Szoplik, Maciej Chaczykowski, M.Guillyn, M.Carlos, Atlas V. Akhmetzyanov и другие.

